



# O'ZBEKISTON OVOZI

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов кампанияси 2009 йил 22 сентябрдан бошланади.

● 2009-йил ● 19-сентябр ● Шанба ● 113 (30.074) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган

## ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ МАСКАНЛАРИ



Республика шoshiнч тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд филиалида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Бугунги кунда ушбу масканда фан докторлари ва номзодлари, профессорлар ҳамда 204 нафар тоифали шифокор, 789 ўрта ҳамда 311 кичик тиббий ходимлари беморларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатмоқда.

Тиббийёт соҳасида олиб бoрилатган ислохотлар натижасида шифохонанинг 20 та даволаш бўлимлари энг замонавий асбоб ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланган.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.



## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг конституциявий ваколат муддатлари 2009 йилнинг декабрь ойида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакилилик органларига сайлов декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида, яъни 2009 йилнинг 27 декабрь кuni ўтказилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловни сайлов қонунчилиги, умумэтироф этилган халқаро нормалар ва стандартларга тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтказилишини таъминлаш, шунингдек, сиёсий партиялар, фуқароларга давлат ҳокимияти вакилилик органларини шакллантиришда иштирок этиш конституциявий ҳуқуқини амалга оширишда зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 19-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 19-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси 2009 йил 22 сентябрдан бошланиши эълон қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи ҳар бир сайлов округига тўғри келадиган сайловчилик нормаси ўртача 127,5 миң сайловчи ҳисобидан белгилансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузилсин ва уларнинг чегаралари ҳамда сайловчилик соҳи кўрсатиш рўйхати 2009 йил 12 октябрга қадар эълон қилинсин.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари 2009 йилнинг 18 октябрга қадар шакллантирилсин.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари:

- 2009 йилнинг 28 октябрга қадар сайлов участкаларини;
- 2009 йилнинг 17 ноябрга қадар участка сайлов комиссияларини туздилар.
- Белгилаб қўйилсинки, белгиланган тартибда тузиладиган сайлов участкалари ва участка сайлов комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов учун ягона ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда)

## ЎзХДП: электорат манфаати

### УЧҚЎРҒОНЛИК ПЕДАГОГЛАР ТАЖРИБАСИ

Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарига илгари сурилган фикрлар, билдирилган фикрлар кўлаб шаксий ва жамоавий ташаббусларга сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилоят ташкилотлари тарғиботчилари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари асар мазмун-моҳиятини омма онгига сингдириб, амалий ишлар натижаларини таҳлил этиб бoришмоқда. Асарда кўзда тутилган аниқ амалий ишлар

натижалари партиямиз электорати бўлган таълим тизими ходимлари фаолиятида тарғибот самараси, айниқса, яққол кўринмоқда. — дейди Учқўрғон туман партия кенгаши раиси Сабоҳон Рўзибоева. — Партия ташкилоти таълимчиларга кўра, тизимдаги барча муассасаларда бизнес режалар тузилиб, улар асосида иш ташкил этилган. Таълим-тарбия ишлари билан бирга, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида ёрдамчи хўжаликлар ишини ташкил этишга эътибор қаратилмоқда. Айни вақтда туман халқ таълими бўлими тизимда 37 та иссиқхона, 3 та чорвачилик

йўналишидаги ёрдамчи хўжалик, 7 та куёнчилик билан шуғулланувчи «Биозоксан маркази», 19 та паррандахона фаолият юритмоқда. 18 та боғдорчилик, 2 та асаларчилик хўжаликлари бор. Албатта, уларда ўқувчилар устоз-мурабийлари билан соҳаларга доир билимларини амалиёт билан уйғунлаштиришмоқдалар. Етиштирилатган махсулотларнинг бир қисми киши мавсум учун сақланмоқда.

Туман халқ таълими бўлими муdiri Икромжон Жўраевнинг айтишича, ёрдамчи хўжаликлардан олинаётган даромадлар муассасалар биноларини таъмирлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, майдонларни ободонлаштиришга сарфланади.

Учқўрғонлик педагогларнинг тажрибалари ХДП вилоят кенгаши томонидан кенг тарғиб этилмоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

### Ватан ҳимоysi — муқаддас бурч

#### КУРСАНТЛАРИНИНГ ЖАНГОВАР ШАЙЛИГИ ЯНАДА ОШАДИ

Чирчиқда сержантлар тайёрлаш мактаблари жамоалари ўртасида ёзги олимпиада якунланди. Саккиз кун давом этган мазкур мусобақада курсантлар спортнинг бокс, стол тенниси, биатлон, сузиш каби турлари бўйича куч синашди.

Беллашувлар давомида иштирокчиларнинг тактик, техник ва жисмоний тайёргарлиги ҳам синовдан ўтказилди. Шунингдек, «Билимдонлар баҳси» ва «Балли, йигитлар!» сингари танловларда уларнинг билим даражаси, энцилиги ва топқирлиги баҳоланди.

Ташкент ҳарбий округининг сержантлар тайёрлаш мактаби жамоаси барча спорт турлари ва танловлар бўйича умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга сазовор бўлди.

Олимпиаданинг ёпилишида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактабларидан ҳар томонлама пухта, интеллектуал салоҳияти юқори, мард ва жасур ҳарбий хизматчилар етишиб чиқайгани, курсантлар ўртасида ўтказилган бундай мусобақалар эса уларнинг касб маҳорати ва жанговар шайлигини янада оширишга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Х.САЛИМОВ,  
ЎзА мухбири

## САЯН-ШУШЕНСК ГЭСИ ТЎҒОНИ МАШИНА ЗАЛИ УСТИГА СИЛЖИБ, БОСИБ ҚОЛДИ

Саян-Шушенск ГЭСида содир бўлган авария жуда кенг доирадаги жамоатчилик диққат-этиборини ўзига қаратди. Гидроэнергетикадаги бу йирик фалокат тўғрисида расмий хулосалар чиқарилишига ҳали бир оз муддат бор. Ҳозирча эса, соҳанинг нуфузли мутахассислари ўртасида гидроэнергетика дурдонаси, деб тан олинган станцияда нима воқеа юз берганлиги тўғрисида баҳслашувлар давом этаёпти. Саян-Шушенск ГЭСи тўғрисида 12 йилдан бери ўрганаётган техника фанлари доктори Владимир Тетельмин гидротехника соҳасидаги етакчи экспертлардан бири саналади. У биринчи ва иккинчи чақирик Россия Давлат Думаси депутати, «Гидротехник иншоотлар хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг муаллифларидан биридир. Шарҳловчи Сергей Лесков билан қилган суҳбатда профессор В. Тетельмин Россиянинг ушбу маҳобатли гидростанциясида рўй берган фожиага доир ўз қарашларини баён этди.

— Владимир Владимирович, Саян-Шушенск ГЭСига тааллуқли дастлабки таассуротимни айтганидан бўлсам, энг аввало, унинг гоятда баҳайбат иншоот эканини таъкидлашимга тўғри келади. Бирок Миср эҳромлари ва қалъа деворларидан фарқли ўларок, ушбу станция кудратли гидромаши-

налардан тортиб, ўта сезгир тензорларгача бўлган мураккаб жиҳозлардан тикланган. Ташқаридан кузатган кишига тўғон бамисоли баҳайбат харсангдай бўлиб туюлади. Аслида эса, минглаб шахталардан таркиб топган чумоли усунинг худди ўзгинасидир. Бундай аҳволда қурилишининг

ички тарҳи қутилганидан анча мураккабдай бўлиб туюлмайдими, кишига? Ва жаҳонда қиёси топилмайдиган бундай аркасимон-гравитацияли қурилишнинг ўзи нима?

— Гравитацияли (тортишувчан) тўғонлар асоси дарёнинг тубига таянади, аркасимон тўғонлар эса дарё қирғоқларига мустаҳ-

кам туташтирилиб бунёд этилади. Узунлиги бир километрдан кўпроқ, баландлиги эса 250 метрга яқин бўлган Саян-Шушенск ГЭСини барпо этишда тўғон қурилишининг ҳар икки тамойилга ҳам амал қилинган. Ва бу ҳолат тўғоннинг атроф-муҳитдаги шарт-шароитларга ўта таъсирчанлигини юзга келтиради. Тўғоннинг пойдевори сув остида кўринмайди, бироқ унинг баландлиги, аслида, 100 метрдан зиёдрок. Енисейнинг сўл томонидаги соҳил ўта даражада майин, юмшоқ ортосланецли тупроқ қатламидан иборат.

Гидротехниклар учун сувнинг тўғон олдидаги шитоби ҳал қилувчи аҳамиятlidir. Сувнинг юқори сатҳидаги тебраниши беҳад катта бўлиб, мавсумда 40 метргача етади, ҳарорат эса 30 даражада иссиқ ва 30 даража-

да совуқлик ўртасида ўзгариб туради. Бу жуда жиддий кўрсаткичлардир, лекин мазкур тўғон лойиҳалаштирилган индустриализациялаштириш ва маҳобатга берилишлар даврида ҳайбарат калачилик авжига чиқиб, экологик талабларга асло риоя қилинмади. Саян-Шушенск ГЭСи, бу — ички сиру синоатлари одамлар назаридан ниҳода кўринмайди, бироқ унинг баландлиги, аслида, 100 метрдан кўпроқ кутининг худди ўзидир.

— Диққатга сазовор бир рақам нигоҳимга чалинди: Саян-Шушенск ГЭСидаги гидроэлектрик вазн 22 миллион тоннани ташкил этар экан. Бу 500 миңга ташкилдан таркиб топган оғирлик тўғонга ҳар лаҳзада босим кўрсатиб туришини аналтади.

(Давоми 2-бетда)

**МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА**  
17 сентябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

**2**

**ПЛАСТИК КАРТОЧКА: МИЖОЗГА ҚУЛАЙЛИК ВА ДАРОМАД**

**3**

**БИРИНЧИ ЎЗБЕК КИНООПЕРАТОРИ**

**4**

O'zbekiston havo yo'llari

**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган



## Фаргона: банк тизимидаги ислохотлар самараси

Хозирги кунда пластик карточкалар жоннинг 200 дан ортиқ мамлакатда харид қилинган товар ва кўрсатилган хизмат учун ҳисоб-китобларнинг тезкор, қулай ва ишончли воситаси сифатида фойдаланилмоқда. Пластик карточка соҳиби махсус ускуна (терминал, инфо-оск) ёрдамида ўз маблагининг ҳолати ва унинг ҳаракатлини тўғрисидаги барча маълумотларга бир неча сония ичида эга бўлиши мумкин.

Пластик карточка унинг эгаларига қуйидаги қулайликларни яратди:

- ҳисоб-китобларнинг тезкорлиги вақтни тежайди;
- қолдиқ маблагга фоиз кўринишидаги қўшимча даромад олиш;
- товар харид қилиш ва хизматларга ҳақ тўлаш учун банкдан имтиёзли истеъмол кредитини олиш имконияти;
- пул маблагини йўқотиш, ўғирлатиш ёки ҳисоб-китобдаги хатоликлар билан боғлиқ бўлган йўқотиш хавфини минималлаштириш;
- қоғоз пулни сохталаштириш, эски ва яроқсиз пул билан боғлиқ хавфлардан холи бўлиш;
- банк пластик карточкаларида сақланаётган ахборотнинг махфийлигини таъминлаш;
- ҳар қандай жойда ва исталган вақтда масофадан туриб ўз молиявий активларини бошқариш имконияти;
- харид қилинган товар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб операцияларини индивидуал пластик карточкалар орқали амалга ошириш, нақд пул маблагидан фойдаланишга нисбатан гигиеник жиҳатдан афзалдир.

Фаргона вилоятида ҳам пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилиш тизимини ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг аҳоли ва ҳўжалик субъектларининг бўш пул маблагларини тижорат банкларининг депозитларига жалб қилишни янада рағбатлантириш тўғрисидаги қарори талабларини бажариш мақсадида, Марказий банк, банклар Ассоциацияси ва Савдо-саноат палатаси томонидан жорий йилнинг 21 август кўни Фаргона вилоятида «Омонатлар ва кредитлар» мавзусидаги кўргазма-семинар ўтказилди. Тадбир тижорат банклари томонидан турли видеороликлар, тарқатма материаллар, реклама буклетлар, баннер ва махсус стендлардан кенг фойдаланган ҳолда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ақсатилаётган замонавий банк хизматлари, шу жумладан, миллий ва чет эл валютасидаги ҳамда пластик карточкалардаги омонатлар, кредитлар, микрокредитлар, лизинг ва микролизинг турлари, уларни ажратишда мавжуд шартлар ҳамда имтиёзлар, пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг афзалликлари, турли пул ўтказмалари ҳамда кон-

лар орқали амалиётларни кенгайтириш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни пластик карточкалар орқали тўла-нишни янада ривожлантириш ҳамда бу борада аҳоли қизиқиши орттириш таъминлаш мақсадида пластик карточкаларга маблаглар ўтказиш бўйича яқинда ўтказилган «Банк миқоз учун» ютуқли промоакциясида учта номинация бўйича ғолиблар тақдирланди.

Аҳоли ва ҳўжалик субъектлари томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида вилоят тижорат банклари томонидан жорий йилнинг 1 август ҳолатига 467 миңдан ортиқ пластик карточкалар муомалага чиқарилиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг

да тафовут йўқ» деб ёзилган. Шу билан бирга банк мутахассислар томонидан шаҳар ва туманларда семинарлар, промо акциялар ва тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Аҳолининг коммунал тўловлардан қарздорлигини камайтириш борасида ҳам тижорат банклари коммунал идоралар билан ҳамкорликда тизимли сай-ҳаракатлар олиб бормоқда.

Жорий йил июли давомида аҳолидан коммунал тўловлар учун 3 миллиард 266 миллион сўм нақд пул қабул қилинди. Нақд пулда тўланган маблаглар асосан, вилоятда ташкил этилган 80 тадан ортиқ махсус кассалар ҳиссасига тўри келди. Таъкидлаш жоизки, коммунал тўлов-



## ПЛАСТИК КАРТОЧКА:

# МИҶОЗГА ҚУЛАЙЛИК ВА ДАРОМАД

шу даврига нисбатан 133 миң донга кўпдир. Шу билан бирга тижорат банклари томонидан валютали карточкалар, кредит (овердрафт) карточкалар, юридик шахслар учун корпоратив карточкалар ҳамда яқна тартибдаги тадбиркорлар учун карточкалар жорий қилинган.

Жорий йилнинг 1 август ҳолатига тижорат банклари томонидан 5 миңдан ортиқ ҳўжалик юритувчи субъектлар ишчи-хизматчиларига ойлик машиналарига пластик карточкалар асосида берилиб, миқозларнинг иш ҳақлари ҳисобидан пластик карточка ҳисоб-варақларига йил бошидан бери ўтказилган маблаг 161,2 миллиард сўмни ташкил қилди.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ўрнатилган терминаллар ҳам сезиларли ўлаши мавжуддир.

Бугунги кунда коммунал идоралар, почта алоқа тармоғи, АТС, шунингдек, тижорат банклар филиаллари, мини банк ва махсус кассаларга ўрнатилган 370 дан ортиқ қулай ва ихчам ҳисоб-китоб терминаллари коммунал тўловлар қабул қилишда фойдаланилмоқда. Бунинг натижасида бир ойда пластик карточкалар орқали аҳолидан 1 миллиард 2 миллион 789 миң сўм миқдорда коммунал тўловлар қабул қилинди.

Тижорат банклари томонидан аҳолига қулайликлар яратиш, коммунал тўловларни қабул қилиш, нақд пул тушумининг қўшимча манбаларини жалб қилиш учун жорий йил ўтган даврида гавжум жойларда 55 та махсус шохобчалар ташкил қилинди.

Президентимизнинг аҳоли ва ҳўжалик субъектларининг бўш пул маблагларини тижорат банкларининг депозитларига жалб қилишни янада рағбатлантириш



ларнинг тўлалишида пластик карточкалар орқали амалга оширилаётган ҳисоб-китоблар тизимининг ҳам сезиларли ўлаши мавжуддир.

Бугунги кунда коммунал идоралар, почта алоқа тармоғи, АТС, шунингдек, тижорат банклар филиаллари, мини банк ва махсус кассаларга ўрнатилган 370 дан ортиқ қулай ва ихчам ҳисоб-китоб терминаллари коммунал тўловлар қабул қилишда фойдаланилмоқда. Бунинг натижасида бир ойда пластик карточкалар орқали аҳолидан 1 миллиард 2 миллион 789 миң сўм миқдорда коммунал тўловлар қабул қилинди.

Тижорат банклари томонидан аҳолига қулайликлар яратиш, коммунал тўловларни қабул қилиш, нақд пул тушумининг қўшимча манбаларини жалб қилиш учун жорий йил ўтган даврида гавжум жойларда 55 та махсус шохобчалар ташкил қилинди.

Президентимизнинг аҳоли ва ҳўжалик субъектларининг бўш пул маблагларини тижорат банкларининг депозитларига жалб қилишни янада рағбатлантириш

тўғрисидаги қарорининг 6-бандига мувофиқ Халқ банкнинг «UZ TO'LOV» миллий тўловлар тизими амалиётга жорий қилинди. Бугунги кунда Фаргона вилояти бўйича аҳолига қулайлик ва енгилликлар яратиш мақсадида очилган 145 дан зиёд пункт фаолият юргизмоқда.

Шу боис вилоят миқосида йил бошидан бун 150,0 миллион сўмдан ортиқ нақд пул маблаг банк кассаларига қабул қилинди. Банк томонидан ушбу тизимни янада кенгайтириш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Жорий йил охирига қадар бундай пунктларни 520 тага етказиш белгилаб олинди.

«Ипотека» банк АТИБ Фаргона вилоят бўлими томонидан аҳолини коммунал тўловлардан қарздорлигини ундиришда, янги «P90 mobile Payment Terminal» тизимдан фойдаланиш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Мазкур терминалнинг энг муҳим афзаллиги — ушбу ускуна нақд пулга (касса назорат машинкаси вазифасини бажариши) ҳамда пластик карточкага хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Бундан ташқари коммунал идоралар ахборот базасига уланиши натижасида, 24 соат давомида аҳолидан қабул қилинган тўлов тўғрисида турғи абонент ҳисоб рақамида акс этади, аҳоли хонадонидagi ҳисоблагичлар кўрсаткичи бир марта инвертизация қилиниб маълумотлар базасига киритилади. Мавжуд коммунал тўловлардан ташқари мулк солиғи, уяли ва симли телефон алоқаси тўловларини ундириш хизматини ҳам кўшиш мумкин. Бунинг натижасида электр, газ, сув, иссиқлик энергияси ходимларининг алоҳида-алоҳида пул йиғишига чек қўйилиб, уларнинг ўрнига битта ходим томонидан ҳамма тўловларни тўлиқ йиғиш имконияти яратилади.



мақсадида тежамкорликнинг қатъий режими жорий этган ҳолда, ишлаб чиқариш харажатларини ва махсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобига корхоналарнинг рақобатдорлигини оширишга қаратилган Президентимизнинг Озик-овқат махсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish тўғрисидаги ҳамда Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида вилоят банклари томонидан шу йил мобайнида барча молиялаш манбалари ҳисобидан озик-овқат товарлари ишлаб чиқариш учун 17,5 миллиард сўм, ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга эса 14,2 миллиард сўм миқдорда кредит маблаглари ажратилди. Тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитлар миқдори эса 19,3 миллиард сўмни ташкил қилган. Бундан ташқари тадбиркор аёлларга алоҳида имтиёзли кредитлар ажратилиб келинмоқда. Вилоят тижорат банклари томонидан жорий йилнинг ўтган 7 ойи мобайнида аёллар тадбиркорлигини кўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредитлар миқдори 8,3 миллиард сўмни ташкил қилди.

Президентимизнинг ёш оилаларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Фармони талабидан келиб чиққан ҳолда ёш оилаларга имтиёзли кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низоом ишлаб чиқилди ва ёш оилаларга 6,3 миллиард сўм миқдорда кредит маблаглари ажратилиши таъминланди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш, насли қорамолларни сотиб олиш учун, паррандачилик ҳўжалиklarини ташкил этиш, мевасабзавот ва чорвачилик махсулотларини сақлаш, чуқур қайта ишлаш ва ўраб-жойлаш билан шугулланувчи корхоналарни ташкил этиш ҳамда касаначиликни ривожлантириш учун 19,8 миллиард сўмдан зиёд кредит маблаглари ажратилди.

Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг яна бир муҳим йўналиши шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжалиklarига қорамол сотиб олиш учун 3,3 миллиард сўмдан ортиқроқ имтиёзли кредит маблаглари ажратилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 163 фоизга кўпдир. Шундай қилиб, банклар мамлакат иқтисодиётининг муҳим бўғинларидан бири сифатида халқ фаровонлигини ошириш, Ватан тараққиётини тезлатишга хизмат қилмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Марказий банкнинг**  
**Фаргона вилоят бошқармаси**  
**маتبот хизмати**



салтинг хизматлари тўғрисида тўлиқ маълумот ва маслаҳатлар берилди.

ОАТБ «Агробанк» Фаргона вилоят бошқармаси жорий йилнинг июнида «Агробанк» — устоз ва мурабийлар хизматида» номи промоакцияни ўтказди. Бунга қўра, «Энг кўп пластик карталарга маблаг ўтказган филиал», «Пластик карталарга энг кўп маблаг ўтказган мактаб», «Энг кўп иш ҳақи ва меҳнат таътили маблагларини пластик карточкага ўтказган халқ таълими бўлими ходими», «Энг кўп савдо айланмасини амалга оширган савдо корхонаси» номинациялари бўйича танлов ғолиблари қимматли совғалар билан тақдирланди.

АТИБ «Ипотека» банк Фаргона вилоят филиали томонидан пластик карточка-

наллар тижорат банклари томонидан ўрнатилган.

2009 йил 1 август ҳолатига терминаллар орқали ўтказилган тўловлар 137 миллиард сўмни ташкил қилиб, шундан савдо терминаллари орқали ўтказилган тўловлар 123,8 миллиард сўмга етди.

Марказий банк Бош бошқармаси томонидан 4000 донга рангли плакат чиқарилиб, миқозларга қулай бўлган жойларга, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига осиб қўйилди. Ушбу плакатда терминал орқали қайси банкнинг карточкаси бўлишидан қатъий назар, тўловлар қабул қилиниши кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, Марказий банкнинг «Ишонч» телефонлари, «Тўлов нақд ёки пластик карточкалар орқали тўлалиши-



Шукроналик

«БУ КУНЛАРНИНГ ҚАДРИГА ЕТИНГ»

Ватанамизнинг сўлим гўшаларидан бири қадим Ургутда туқсон билан туқнашиб, юз билан юзлашаётган Қуддусхон Муҳиддинов истиқомат қилади.

— Яратганга шукрки, ўзимни худди ёш, навқирон йигитлардай ҳис қиламан. Юртбошимизга минг раҳмат, у кишининг сый-ҳаракатлари билан диний қадриятларимиз қайта тикланди. Табаррук қадамжоларимиз обод этилиб, зиёратгоҳга айлантирилди. Инсоф билан айтганда, истиқлол йилларида бутун мамлакатимизда жуда катта ўзгаришлар юз берди, — дейди Қуддусхон Муҳиддинов.

— Юртимиз тинч, хонадонларимизда туқинчилик, хайр-бароқа, меҳр-оқибат бор. Мен салкам бир асрлик умрим давомда жуда кўп қийинчилик, огирчиликларни кўрдим, қатағону очарчиликларга гувоҳ бўлдим. Шунинг учун ҳам навара, эвараларимга бу кунларни қадрига етинглар, шукр қилинлар деб кўп марта тақорлайман, — дейди отахон.

Қуддусхон бобонинг файзли хонадони бутун унинг авлодлари билан гавжум. Улар ана шу шукрули кунларда отахоннинг пурмаъно ҳикматлари, панду насиҳатлари, дуолари билан камол топмоқда.

Дилшоҳ НАРЗУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири. Шавкат АКРАМОВ олган сурат.



Бундан эллик-олтмиш йиллар аввал ҳафта-нинг чоршанба кунигина бозор бўларди. Ҳикмат бобо бозорга боришга икки-уч кун олдин ҳозирлик кўрарди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Йиғиб юрган жамғармадан битта сигирга етадиган пулни ҳаменига жойлаб, тўшақнинг тагига қўйиб ётди. Эрталаб бозорга отланган бобо ҳамёни олмақчи бўлса, жойида йўқ. Ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилиб ахтаришади, ҳамён топила-майди. Бобо ночор «соғиб ичиб туришга жилла курса эчки оларман» деб бор пулни олиб, бозорга йўл олади. Уша бозор соғишга арзийдиган эчки оломай, хуноб бўлиб қайтиб келди. Ҳамён яна қидирилади, зорманда топила-майди. Ҳамма ҳайрон, лол. — Сигирсиз уйда барақа бўлмайди, амаллаб битта жонивор олиб беринг, — деб кампири жаврарди. Шу аснода ойлар ўтди. Бобога бошқа ҳамён ҳам тиқиб беришди. Деҳқончиликдан тушган пуллари жамлаб, сигир олишга яна бозорга йўл олди. У кетгач, Робия буви ўрин-

Ҳаёт сабоқлари

ҲАЛОЛЛИК ИЛДИЗИ

ларни йиғаётиб қараса, ҳамён!

— Вой, товба, бу қурма-гур чол яна ҳамёни қолдириб кетибди, ҳали замон хуноб бўлиб қайтиб келма-сайди, — деб ўглини бозорга юборди.

Ота ҳайрон. — Ҳа, тинчликми? Нега келдинг, — деб хавотир олиб сўради.

— Ҳамёнингиз қолиб кетибди. Шуни олиб келдим, — дебди у.

— Ие, бу қанақаси, ҳамён ёнимда-ку...

Қария ҳайрон бўлиб очиб қараса, не кўз билан кўрсинки, уша йўқолган матоҳ.

Ё алҳазар, шунча ойдан бери қаёқда ётган экан. Чол хурсанд бўлиб бир соғин сигир, қолганига қўй, эчки олиб уйга қайтибди.

— Ҳа, кампир, ҳамёни шайтон беркитган бўлса,

керак. Майли топилибди-ку, шунга ҳам шукр, — дебди.

— Қўрпачани қоқайтсам ичидан тушиб қолди. Ямоғи орасиги илашиб қолган экан. Болаларнинг насибаси бутун бўлгани рост бўлсин. Тийинлаб йиғилган ҳалол пул эди, — деди кампир ҳам чолнинг кўнглини кўтариб.

— Эй кампир, ҳалолда гап кўп. Ҳалолдан топилган пул ўтга тушса ёнмайди, сувда чўкмайди. Ҳаромнинг илдизи битта, ҳалолники эса мингта бўлади. Мана, пешана тери эвазига йиғилган жамғармаиз болаларнинг ўзига буюрди. Аллоҳга беадад шукр.

Ҳар кимнинг пешона тери эвазига топгани буюради. Ҳалолликда гап кўп.

Юнус ЗИЁДОВ, меҳнат фахрийси.

СПОРТ
МУНОСИБ ИЗДОШЛАР
[Image of a football match]

Пойтахтимиздаги Сергели туманида болалар футболни ривожлантириш, омавийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда тумандаги Политехника касб-хунар коллежи қошида ташкил этилган футбол мактабида болалар саккиз ёш гуруҳида «чарм тўп» сирларини ўрганишяпти.

—Бугунги кунда туманимизда етишиб чиққан ака-ука Зайниддин, Камолдидин ҳамда Фарход Тожиёвлар, Равшан Тешабоев, Дилмурод Ортиқбоев, Нодир Саъдуллаев, Бекзод Фуломов сингари футболчилар мамлакатимизнинг олий ва биринчи лига жамоаларида муваффақиятли тўп сурмоқда, — дейди «Сергели» болалар футбол клуби бошлиғи Қажрамон Ортиқбоев. — Ҳозир туманимизда улардек моҳир футболчи бўлишни орзу қилган болалар жуда кўп. Шу боис, Политехника касб-хунар коллежи қошида болалар футбол клуби ташкил этилди. Айни пайтда бу ерда ўтказилаётган машғулотларда юздан зиёд бола қатнашмоқда.

Футбол клубининг 1998 йилда туғилган болалардан иборат жамоасига Денис Коростиченко ҳамда Баҳодир Сейткамоловлар мураббийлик қилишяпти. Ушбу жамоа аъзолари болалар ўртасида ўтказилаётган Тошкент шаҳар биринчилигида унта иштирокчи ўртасида учинчи ўринни эгаллаб турибди.

Суратда: «Сергели» болалар футбол клуби аъзолари машғулот пайтида. Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.

ЁШ ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Урганч шаҳрида кураш бўйича 1994-1995 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида навбатдаги Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан ташриф буюрган 300 нафардан зиёд ёш полвонлар голийблик учун ғиламга чиқдилар.

Уғил болалар ўртасида тўққиз вази тоифасида кучлилар аниқланди. Жумладан, ўз вази тоифаларида Сухроб Турсунов (38 кг., Тошкент вилояти), Исроил Ҳайитқулов (42 кг., Жиззах), Ахрор Фармонов (46 кг., Навоий), Алишер Шокиров (50 кг., Андижон), Камол Расулов (55 кг., Самарқанд), Фахриддин Исроилов (60 кг., Жиззах), Сардор Ҳамроев (65 кг., Бухоро), Сарвар Тоҳиров (71 кг., Хоразм) ҳамда Раҳим Раҳматов (+71 кг., Сурхондарё) шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Қизлар ўртасида ўтказилган беллашуларда Қизларгул Ибодуллова (36 кг., Хоразм), Юлдуз Қаҳҳорова (40 кг.), Бухоро, Зарифа Султонова (44кг.), Дилдора Шириятова (48, иккаласи ҳам Хоразм) биринчи ўринни эгаллади.

Муҳаммад КЕНЖАБОВ

Ўтган асрнинг бошида Волга бўйларидан кўчириб келирилиб, Хиванинг Оқмачит мавзесида яшаган олмонлар орасида хунармандлар кўп бўлган. Улар туфайли Европанинг айрим техникавий янгилликлари ўтроқ халқ орасига кириб келган. Маҳаллий халқ Панор бува деб атаган Вильгельм Пеннер фотоаппарати билан турли тўй-томшаларни суратга олган. Маҳаллий ёшлардан бири бўлган Худойберган шу Панор буванинг ажиб хунарига қизиқиб қолади.

1907 йилда Худойберган Девон Москва, Петербург шаҳарларига боради. Икки ой давом этган сафар самараси — янги русумдаги кинокамера, фотоаппарат ва бошқа зарур анжомлар харид қилади ва Хивага келтириб, бу ерда Марказий Осиёда биринчи кинофотолаборатория очади. Шу тарихда ўзбек кино санъатининг илк гишти қўйилди.

Худойберган Девон яратган илк фильм «Халқ сайиллари» деб аталган. Унда халқимизнинг тўй-томшалари, байрам ўтказишдаги ўзига хос жиҳатлари моҳирона тасвирланган.

Кейинчалик биринчи ўзбек кинооператори, режиссёри ва ташкилотчи продюсери «Қазув», «Шўрқўл», «Чарх», «Дегиси офати», «Хива обидалари», «Кулол»,

Биз билган ва билмаган тарих
БИРИНЧИ ЎЗБЕК КИНООПЕРАТОРИ

«Хива бозори», «Қорақум саҳроси», «Биринчи трактор» каби ҳужжатли фильмларни суратга олади. Бу билан бизнинг бир аср илгари яшаган ота-боболаримизнинг яшаш тарзи, халқ амалии санъати, юрт манзараларини кинотасмаларда тарихга муҳрлайди. У уша вақтда Буюк Британия, Германия каби ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилаётган кинотасмалар, турли кимёвий дориллар, эҳтиёт анжомларини олиб турган, айни пайтда шу давлатларда яратилаётган кинофильмлардан хабардор ҳам бўлган.

Худойберган Девон моҳир суратшарҳ сифатида ўз даврининг шоиру санъаткорлари, оддий меҳнаткаш оммаси вакиллари минглар суратларини ишлаган. Бу суратлар ўта тинчлиги, ижодий маҳорати билан ҳамон томошабинларни ҳайратга солади. «Совкино»нинг Марказий Осиё бўйича вакили бўлиб ишлаган Худойберган Девоннинг ҳаёти фожияли тугади — 1937 йилда хибсга олинди, бир йилдан сўнг қатағон ўқига ўтди.

Таниқли операторнинг набираси — кинооператор Абдулла Юсупов бобосидан қолган тарихий ноёб меросни излаб топишга бутун умрини сарфлапти, десак муболага эмас. Негаки, биринчи ўзбек кинооператори яратган киноасарларнинг аксарияти собиқ иттифоқнинг бошқа худуд ва шаҳарларида қолиб кетган. Берлин, Париж, Лондон кинофонотекаларида ҳам Худойберган Девон яратган киноасарлар мавжуд.

Истиқлол йилларида илк ўзбек кино устаси меросига алоҳида аҳамият берилди. Урганч шаҳридаги йирик кинотеатр, Хива шаҳридаги кўча Худойберган Девон номи билан аталмоқда. Унинг уй-музеида тарихий қимматга молик юзлаб экспонатлар сақланмоқда.

Худойберган Девон таваллудининг 130 йиллиги, юртимизда илк кинофотолаборатория очилганининг бир асрлик санаси билан уйғунашиб кетди. Бир қатор тадбирлар ўтказилди. Богот туманидаги «Пахтакор» кинотеатрида уюштирилган хотира тадбирига санъатшунослар ташриф буюрдилар. Айниқса, ёшлар юртимизга бир аср илгари фан-техника янгилигини олиб келган шундай аждодлари борлигидан фахр туйдилар.

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Qishloq Qurilish Bank
Rўza хайит (Ийд ал-Фитр) байрами муносабати билан ҳамюртларимизни муборакбод этади ва уларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ҳамда янги ижодий ютуқлар тилайди!
Ҳамюртларимизга янги омонат турлари амалга киритилганлигини маълум қилади.
«Муаллим» — муддати 3 ой — йилига 30 фоиз
«Мезон» — муддати 6 ой — йилига 28 фоиз
«Олтин куз» — муддати 12 ой — йилига 26 фоиз
«Шодибна» — муддати 18 ой — йилига 24 фоиз
Омонатлар бўйича устама фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
Банкдаги омонат мавлағлариниз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4057-сонли Фармон асосида тўлиқ кафолатланади.
Ахборот маркази телефонлари: (+99871) 233-71-72, 236-16-17.
www.qishloqqurilishbank.uz
Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётиниз хизматида!

Внимание организаций и предприятий!
Государственный Таможенный Комитет Республики Узбекистан
ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ
По объекту: «Текущий ремонт административного здания Государственного Комитета Таможи по ул. Узбекистанская, 3 ремонта помещений и благоустройства»
Стартовая стоимость заказчика: 295 398 959 сум с учетом НДС.
Срок завершения строительства — до 31 декабря 2009 года.
Заказчик: Государственный Таможенный Комитет Республики Узбекистан расположенный по адресу: г.Ташкент ул. Узбекистанская, 3. Финансирование осуществляется за счет собственных средств
Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим условиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств; производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.
Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга — ООО «Экспертлойдконсалтинг» по адресу г.Ташкент, ул. Навоий 22.
Стоимость одного комплекта конкурсной документации сто тысяч сум.
Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Ташкент, ул. Навоий 22 тел. 8(371) 241-37-50.
Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт по ниже указанному адресу: г.Ташкент, ул. Навоий 22.
Вскрытие оферт состоит не менее чем через 30 дней после опубликования объявления час в здании Государственного Таможенного Комитета Республики Узбекистан» по адресу г.Ташкент, ул.Узбекистанская, 3.

Table with publication details: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'affor HOTAMOV, Muslihidin MUHIDDINOV, Svetlana GERASIMOVA, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI, BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot, Reklama va e'lonlar, Mas'ul kotib, VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Denovda, MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz, ISSN 2010-7633